

# AGRO



## IQTISODIYOT



1

2021

## ЎЗБЕКИСТОНДА АГРОБИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ҳулқар ТУРОБОВА,

Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси

Мирзоҳид АМОНОВ,

Бухоро давлат университети ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада агробизнесни назарий-илмий асосларини ўрганган олимларни фикрлари таҳлил қилинган. Мамлакатимизда агробизнес субъектларини фаолиятини ривожланиши таҳлил қилиниб зарур хулосалар чиқарилган

**Аннотация:** В статье анализируются взгляды ученых, изучавших теоретические и научные основы агробизнеса. Проанализировано развитие агробизнеса в нашей стране и сделаны необходимые выводы.

**Abstract:** The article analyzes the views of scientists who have studied the theoretical and scientific basis of agribusiness. The development of agribusiness in our country has been analyzed and the necessary conclusions have been drawn.

Сўнги йилларда олиб борилаётган ислохотлар аграр соҳани ривожланишига таъсири катта бўлмоқда. Аграр соҳада тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган эътибор, тадбиркорлик субъектларини иқтисодий ва молиявий рағбатлантирилиши туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ошиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалик соҳаларидаги тадбиркорлик фаолияти агробизнес дейилади. Агробизнес – бу қишлоқ хўжалиги моллари ва хизматларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тарқатиш билан шуғулланадиган сектор бўлиб, у барча тегишли фаолиятни ўз ичига олади.

Агробизнес тушунчасига бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасига кирмайдиган, бироқ у билан бевосита боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланувчи бизнес турлари ҳам киритилди. Бу қишлоқ хўжалигига техникавий таъмирлаш хизмат кўрсатиш, уни маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятидир. Агробизнес агросаноат интеграцияси натижасида вужудга келган агросаноат мажмуасининг барча бўғинларини қамраб олади.

Агробизнес фаолиятининг мақсади – истеъмол бозорини етарли миқдорда сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноатни эса хом ашё билан узлуксиз таъминлаш орқали фойда кўришдан иборат.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодий назарияда биринчи марта «агробизнес» тушунчаси 1955 йилда Гарвард университети (АҚШ) профессори Ж. Девис томонидан киритилган. Унинг фикрига кўра, агробизнес – бу фермер хўжаликларига етказиб бериш учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш бўйича операциялар мажмуи, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш, сақлаш, қайта ишлаш

ва тарқатиш билан шуғулланадиган тармоқлар мажмуи. Унинг бошқача таърифи ҳам бор: «Агробизнес – бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ресурслар билан таъминлаш, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тарқатиш билан боғлиқ бўлган барча корхоналар». Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида ушбу концепциянинг пайдо бўлиши тасодифий эмас, чунки айнан шу даврда ривожланган мамлакатлар, биринчи навбатда АҚШ иқтисодиётида, интеграция жараёнлари фаол ривожланиб, бизнеснинг барча соҳаларига таъсир кўрсатди[4].

1968 йилда Р. Голдберг агробизнесни микро даражада тор маънода кўриб чиқишга ҳаракат қилди. Унинг нуқтаи назарига кўра, агробизнес ёки вертикал интеграция, интеграторни маҳсулотни ишлаб чиқариш ва маркетингнинг кетма-кет икки ёки ундан ортиқ босқичлари устидан назоратини тавсифлайди[3].

М. Трейси агробизнес тушунчасига ойдинлик киритиб, уни қишлоқ хўжалигига нисбатан «юқори оқим» ёки уни ресурслар билан таъминлайдиган ва «қуйи оқим»да жойлашган – маркетинг, қайта ишлаш ва тарқатиш тармоқлари мажмуи сифатида тақдим этди. Унинг фикрича, агробизнес маҳсулотни ишлаб чиқаришни ва товар ишлаб чиқарувчидан то сотиб олувчигача бўлган тезкор ҳаракатини таъминлайди ва зиённи минимал даражада камайтиради[1].

Олимларнинг кейинги изланишлари агробизнеснинг моҳиятини чуқурроқ ўрганишга имкон берди. Хусусан, А. Хоскинг агробизнес – бу қишлоқ хўжалигида манфаатдор шахслар ёки ташкилотларнинг ўзаро манфаати учун бошқа товарлар, хизматлар ёки пул эвазига табиий неъматларни қазиб олиш, товарларни ишлаб чиқариш ёки сотиб олиш ва сотиш ёки

**Калит сўзлар:** агробизнес, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, қишлоқ хўжалиги



хизматлар кўрсатиш учун жисмоний шахслар, корхоналар ёки ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган фаолият деб таърифлайди[1].

РИФА (РАЭН) академиги Б.И.Шайтоннинг фикрича, агробизнес фаолияти давомида тадбиркорлар пул билан ёки пулсиз ноёб ишлаб чиқариш ва табиий ресурслардан олинadиган турли хил истеъмолчилар талаби ва фойдасини қондирадиган товарлар ишлаб чиқаришни ва тарқатишни (яъни сотишни) амалга оширадилар[3].

Россия қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги Э.С.Строева “агробизнес кенг, мураккаб тушунча бўлиб, унга фақат экиш, ҳосилни йиғиш ёки ҳатто ишлаб чиқарилган маҳсулотларни фойдали сотиш қобилияти сифатида қараш керак эмас. Шунингдек, у келажакни кўриш, бозорларнинг ҳолатини билиш ва уларнинг тебранишларига тезкорлик билан жавоб бериш қобилиятини, илғор технологиялардан асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш, қайта ишловчилар, савдогарлар билан фойдали алоқалар ўрнатиш қобилиятини ўз ичига олади.. <<.[1]

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот учун агробизнес субъектлари яъни фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар фаолияти танлаб олинди, уларнинг фаолияти тизимли таҳлил қилинди. Тадқиқот давомида монографик, эксперт ва тизимли таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлиллар ва хулосалар

Агросаноат мажмуасида, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби, агробизнеснинг турли шакллари ривожланмоқда. Агробизнеснинг асосий шакли ва бўғини фермер ва деҳқон хўжаликлари дидир. Чунки бу хўжаликлар бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Фермер ва деҳқон хўжаликлари ўз ерида ёки ижарага олинган ерда иш юритиб, унда мулк эгаси ва ишлаб чиқарувчи фермернинг ўзи ва оила аъзолари ҳисобланиб, айрим ҳолларда ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари ҳам мумкин.

Агробизнес субъектлари яъни фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳ-

сулотлари улуши 2019 йилда ЯИМ (ЯҚҚ) таркибида 28,1 % ни ташкил этди.

Мамлакатимизда агробизнес субъектлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини таҳлилига эътиборимизни қаратсак. 2020 йилда фермер хўжаликлари томонидан деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришдаги улуши 2010 йилга нисбатан 14 фоизга камайган. Камайиш даражаси 2017 –2019 йилларда 4–12 фоизгача етган. Деҳқон хўжаликлари томонида деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш 2020 йилда 2010 йилга нисбатан



1-расм. Хўжалик шакллари бўйича деҳқончилик маҳсулотлари таркиби

12 фоизга ошган, айниқса, 2017 –2019 йилларда ўсишни яққол кўриниб турибти. Бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришдаги ҳиссаси 2020 йилда 2010 йилга нисбатан 3.3 мартага ошган (1-расмга қаранг).

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда деҳқон хўжаликларини улуши юқори бўлиб, 2010–2020 йиллар орасида 93–91 фоизни ташкил қилмоқда. Фермер хўжаликларининг чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда-



2-расм. Хўжалик шакллари бўйича чорвачилик маҳсулотлари таркиби

ги улуши 2010–2020 йилларда 3.9–5.1 фоизни ташкил қилмоқда. Ўсиш даражаси 30 фоизни ташкил қилмоқда. Бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг чорвачилик маҳсулотлари етиштиришдаги улуши таҳлил даврида 3–3.5 фоизни ташкил қилмоқда.

2020– йилнинг якунига кўра барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 7 566,6 минг тонна дон экинлари (2019– йилнинг якунига нисбатан 1,7 % га кўп), 3 143,5 минг тонна картошка (1,7 % га кўп), 10 459,5 минг тонна сабзавотлар (2,4 % га кўп), 2 134,4 минг тонна полиз экинлари (3,2 % га кўп), 2 864,0 минг тонна мева ва резаворлар (4,0 % га кўп), 1 639,2 минг тонна узум (2,2 % га кўп) етиштирилди.

Чорвачилик соҳасининг ички имкониятларини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиб борилаётганлиги, шунингдек, уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатилиб келинаётганлиги чорва моллари бош сонининг кўпайишига, ички истеъмол бозорларини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имкон яратди. Шундан келиб чиқиб, 2020– йилда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 2 526,2 минг тонна гўшт (2019– йилга нисбатан 2,1 % га кўп), 11 009,9 минг тонна сут (2,8 % га кўп), 7 825,0 млн. дона тухум (0,7 % га кўп), 35,7 минг тонна жун (1,5 % га кўп) етиштирилди ва 144 085 тонна балиқ (18,4 % га кўп) овланди.

2020 йилда агробизнес субъектлари томонидан етиштирилган 1 485,0 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот экспорт қилинган. Бунда 2019– йилнинг мос даврига нисбатан 199,1 млн. АҚШ долларида пастлашиш кузатилиб, 16,5 % га камайди. Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 400,0 млн. АҚШ долларига тенг 768,3 минг тонна сабзавот, 140,5 минг тонна 133,1 млн. АҚШ долларлик янги узилган узум, 40,9 минг тоннадаги 55.1 млн. АҚШ доллари қийматдаги қурилган узум, 105.6 минг тонна 35.6 млн долларлик қовун ва тарвуз шунингдек, 353,9 млн. АҚШ

доллари қийматидаги 402,3 минг тонна мева ва резаворлар экспорт қилинди.

Эркин рақобат орқали агробизнес талаб ва таклифнинг шаклланишига, ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга, янги технологияларни жорий этишга, маркетинг, брендлаш ва якуний натижа – фойда олишга қаратилган стратегик бошқарувга таъсир қилади. Агробизнес бозорнинг ўзини ўзи бошқаришнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий шакллари, энг фойдали қишлоқ хўжалиги лойиҳаларини ривожлантиришга ёрдам бериши ва пировардида, тадбиркорликнинг асосий вазифаси – юқори рентабелликка эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини ҳал қилишга имкон беради[2].

Агробизнесдаги тадбиркорлик маҳсулотларга, ишларга, хизматларга бўлган талабни топиши ва ишлаб чиқариши ва уни тегишли маҳсулотлар, ишлар, хизматларни сотиш орқали қондириши мумкин. Шу билан бирга, агробизнеснинг ташкилий шакллари ўрганиш шуни исботлайдики, тадбиркорлар ушбу товарларни ишлаб чиқаришни ўзлари ташкил қилиши ёки ўз ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари ўртасида воситачи сифатида қатнашиши мумкин.

Олимларнинг тадқиқоти шуни кўрсатдики, агробизнес биринчи навбатда алоҳида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга, иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг хусусиятлари таъсирида юқори даражадаги хавф, учинчидан, рақобатнинг юқори даражаси ва давлатнинг муҳим роли каби хусусиятларга эга. Табиий ва иқлим омиллари, экинларни етиштириш, маҳсулдор ҳайвонларни боқиш учун махсус технология, ер ресурсларининг чекланганлиги ва сифати, ер рентаси, меҳнатнинг мавсумийлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хусусиятлари, агросаноат ишлаб чиқаришининг ахлоқий томони агросаноатда бизнес юритиш учун бутун шарт-шароитлар занжирини яратади ва якуний натижаларга таъсир қилади.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Вихров М.С. Содержание агробизнеса и его роль в экономической систем <https://core.ac.uk/download/pdf/214880883.pdf>
2. Костин Вадим Юрьевич. Агробизнес как специфическая форма координации АПК: теоретические основы и практическая реализация// Экономическая библиотека – <http://economy-lib.com/agrobiznes>–
3. Лещиловский П.В. Основы агробизнеса / П. В. Лещиловский [и др.]; под ред. П. В. Лещиловский. – Мн: БГЭУ. 2005.
4. Михалев С.В., Галиева Р.И. Основы организации агробизнеса. Учебное пособие. Иркутск. 2015 г
5. Перелетов А.А. Развитие агробизнеса в муниципальном районе: автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.05/ А.А. Перелетов; Науч.–исслед. ин–т экономики и организации АПК Центр–Черномозем. района РФ РАСХН. – Воронеж, 2009.
6. Rustamovna, Turobova Hulkar, and Kodirov Aziz Anvarovich. «The ways to increase the export potential of the farms.» International Journal of Innovative Technologies in Economy 4 (6) (2016).